

**Абдуллаев З.А.,**

Тошкент молия институти доценти, иқтисод  
фанлари номзоди

# АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИНГ РОЛИ

## **АБДУЛЛАЕВ З.А. АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИНГ РОЛИ**

Мақолада ҳозирги замон давлат молия тизимида пенсия таъминотининг роли, унга таъсир этувчи демографик ва иқтисодий омилларнинг таҳлили кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикасидаги пенсия таъминоти тизими ислоҳ этиш зарурияти ва йўналишлари асосланган.

Таянч иборалар: пенсия таъминоти тизими, демографик ва иқтисодий омиллар, ижтимоий суғурта бадаллари, тақсимлаш принципидаги пенсия таъминоти тизими, жамғариб борилувчи пенсия таъминоти тизими, корпоратив пенсия таъминоти тизимлари.

## **АБДУЛЛАЕВ З.А. РОЛЬ ПЕНСИОННЫХ ФОНДОВ В СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЕ НАСЕЛЕНИЯ**

В статье рассмотрены роль пенсионного обеспечения в современной государственной финансовой системе, анализ демографических и экономических факторов влияющих на него. Обосновывается необходимость реформирования пенсионной системы Республики Узбекистан.

Ключевые слова: система пенсионного обеспечения, демографические и экономические факторы, взносы социального страхования, распределительная система пенсионного обеспечения, накопительная система пенсионного обеспечения, корпоративная система пенсионного обеспечения.

## **ABDULLAEV Z.A. THE ROLE OF PENSION FUNDS OF PEOPLE'S SOCIAL DEFENSE**

There is analyzed in the article the role of pension and social security in contemporary government finance systems; provided analysis of influencing demographic and economic factors. There is considered the necessity of the pension system reforms in Uzbekistan.

Keywords: pension funds system, demographic and economics factors, social insurance payments, pay as you go pension plan system, funded pension plan system, corporate retirement (pension) plans.

***Аҳолининг турли кўринишдаги ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида давлат томонидан ташкил этилган механизм шу давлатнинг ижтимоий ҳимоя тизими деб аталади. Бошқа турдаги эҳтиёжлар каби ижтимоий эҳтиёжларни қондириш, яъни ижтимоий ҳимояни ташкил этиш мақсадида ҳар бир субъект ушбу жараёнда иштирок этувчи бошқа субъектлар билан маълум бир турдаги муносабатларга киришадилар.***

Ижтимоий ҳимоя муносабатларининг субъекти – давлат, аҳолининг турли шаклдаги гуруҳлари ва қатламлари, оила ҳамда жисмоний шахслардан ташкил топади. Улар ижтимоий ҳимоялаш жараёнидаги иштирокига кўра ижтимоий ҳимояловчилар ва ижтимоий ҳимояланувчиларга бўлинадилар.

Ижтимоий ҳимояловчилар – давлат, турли жамоат уюшмалари (фондлар), юридик ва жисмоний шахслардан ташкил топса, ижтимоий ҳимояланувчилар эса аҳолининг турли шаклдаги гуруҳлари ҳамда қатламлари, оила ва жисмоний шахслардан ташкил топади.

Кишилиқ жамиятида вужудга келувчи ижтимоий ҳимоя муносабатларининг объектини товар–моддий бойликлар, турли шаклдаги хизматлар ва номоддий неъматлар ташкил қилади. Масалан, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида улар даромадлари, пенсиялар ва стипендияларни давлат томонидан индексациялаш молиявий шаклда ташкил этилса, жамиятнинг айрим аъзолари ва гуруҳларига озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак, ортопедик мосламалар ва аравачалар моддий шаклда берилади. Аҳолига кўрсатиладиган бепул тиббий хизматни кўрсатувчи тизим ёки бепул таълим бериш тизими моддий шаклда эмас, балки хизмат кўрсатиш шаклида амалга оширилади. Давлатнинг марказлашган фондларидан молиялаштирилувчи илм-фан, маданият, санъат ва спорт учун харажатлар эса номоддий неъматлар шаклида амалга оширилади.

Қамраб олиниш даражасига кўра ижтимоий ҳимоя тизими уч турда намоён бўлади:

1. Мамлакат аҳолисининг барчасини қамраб олувчи, барча учун тенг миқдор-

ларда амалга оширилувчи ижтимоий ҳимоя тизими.

2. Мамлакат аҳолисининг айрим қатламлари ва гуруҳлари эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя тизими.

3. Мамлакатдаги айрим, ижтимоий жиҳатдан ёрдамга муҳтож бўлган оилалар ва жисмоний шахслар манфаатларини кўзловчи ижтимоий ҳимоя тизими.

Юқорида баён қилинганлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: ижтимоий ҳимоя турли хилдаги субъектлар ўртасида турли шаклларда вужудга келувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг кенг қамровли тизими бўлиб, унинг фаолияти натижасида мамлакат аҳолисининг ҳаммаси ёки унинг айрим қатламлари ва гуруҳлари ҳамда алоҳида оилалар ва жисмоний шахслар ўз ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондирадилар.

Ижтимоий ҳимоя категориясини икки турда талқин қилиш мумкин.

Кенг талқинда: ижтимоий ҳимоя – жамиятнинг ҳар бир аъзосининг ҳар томонлама ривожланиши учун тенг имкониятлар яратиш ҳамда оиласининг осойишта ва фаровон турмуш кечириши учун шароит яратиш бўйича давлат томонидан амалга оширилувчи чора-тадбирлар мажмуидир. Масалан, давлат томонидан ташкил этилувчи бепул тиббий хизмат тизими, бепул таълим тизими, фан-техниканинг ривожига сарфланадиган харажатлар, маданият, санъат ва спортни ривожлантириш харажатлари мамлакатнинг барча аҳолиси манфаатларини кўзлаб, ҳаммани тенг равишда ижтимоий ҳимоялайди.

Тор талқинда: ижтимоий ҳимоя – мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож

бўлган айрим қатламлари, гуруҳлари, оилалар ва жисмоний шахсларга турли шаклда доимий равишда ёки вақтинчалик ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилувчи чоратadbирлар мажмуидир. Масалан, аҳолининг ўз ижтимоий эҳтиёжларини ўзлари қондира олмайдиган ва шу сабабли ўзгалар томонидан ижтимоий ҳимоя қилинишга муҳтож бўлган қатламлари, яъни ёш болалар, беморлар, ногиронлар, қариялар, ишсизлар ва шу каби ночорлар давлат ёки хомийлар, яъни турли кўринишдаги жамоат ташкилотлари, юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан ижтимоий ҳимояланадилар. Бунда давлат томонидан (айрим ҳолларда жамоат ташкилотлари томонидан ҳам) амалга оширилувчи ижтимоий ҳимоя тadbирлари қонунларга асосланган ҳолда мажбурий бўлса, турли кўринишдаги ижтимоий фондлар, жамоат ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилувчи тadbирлар асосан ихтиёрийлик принципларига мос равишда амалга оширилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, ихтиёрийлик асосида ташкил этилувчи ижтимоий ҳимоя воситалари Марказий Осиё халқларида қадим замонлардан қўлланиб келинган. Ночорлар, етим-есирлар, камбағалларга ёрдам бериш, хайр-эҳсон қилиш, жамоат манфаати учун йўллар ва кўприклар, мактаб-мадраса ва кутубхоналар қуриш, ариқ қазиб сув келтириш инсонийлик бурчи ва шаънига мос бўлган қадрият ҳисобланган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, давлатнинг ўз халқи олдидаги асосий вазифалардан бири эканлигини кафолатлашдан келиб чиқиб, ижтимоий ҳимоя тизими орқали ҳар бир шахснинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади. Бу принцип давлат қонунларида белгилаб қўйилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир неча моддаларида ушбу принцип ўз ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда

ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир»; 40-моддасида «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» эканлиги; 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади»; 42-моддасида «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади» деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон давлати мустақилликка эришгандан кейинги даврда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини мамлакатнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятнинг энг устувор йўналишларидан бири, деб эътироф этди.

Маълумки, ҳар бир давлат ижтимоий соҳада ўз олдида қўйган устувор мақсадларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ўзига хос бўлган тизимини барпо этади ва у давлатнинг ижтимоий ҳимоя сиёсатининг ташқи кўриниши-шаклини белгилайди. Шу сабабдан ҳам, ижтимоий ҳимоя тизимининг таркиби, чоралари, механизмлари ва дастаклари турли давлатларда турлича бўлиши табиий ҳолдир. Ҳаттоки бир давлатнинг ўзида, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг турли босқичларида ижтимоий ҳимоя тизимининг таркибий тузилиши турлича бўлиши мумкин. Лекин турли демократик давлатларда ва турли даврларда мавжуд бўлган, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимларининг асосий бўғинларини шартли равишда қуйидаги 4 гуруҳга ажратиш мумкин: ижтимоий таъминот, ижтимоий кафолатлар; ижтимоий суғурта; давлат томонидан амалга оширилувчи бошқа турдаги ижтимоий чоралар.

Ижтимоий таъминот – давлат бюджети ва бюджетдан ташқари махсус фондлар маблағлари ҳисобидан фуқароларнинг айрим тоифалари ижтимоий ҳолатини жамиятнинг бошқа аъзолариникига тенглаштириш мақсадида моддий таъминлаш бўйича

амалга ошириладиган давлат сиёсатининг шаклан намоёнланишидир. Ижтимоий таъминот тизими давлатнинг молия соҳасига кирувчи иқтисодий-ижтимоий механизмлардан бири бўлиб, у орқали мамлакатда яратилган миллий даромаднинг бир қисми аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган қатламлари фойдасига қайта тақсимланиши орқали улар даромадлари миқдорини ҳаёт кечириш минимуми ёки қашшоқликнинг миллий чегарасидан юқори бўлишига эришиш кўзда тутилади. Ижтимоий таъминот тизими, энг аввало, вақтинчалик ёки доимий равишда меҳнатга лаёқатсиз бўлган инсонлар, ногиронлар, яшаш учун етарли даражада даромад манбаига эга бўлмаган қариялар, ёш болалар, етим-есирлар ва айниқса ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилаларни қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи турли хилдаги чора-тадбирлардан ташкил топади. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг 102-сонли «Ижтимоий таъминотнинг минимал нормалари ҳақида»ги Конвенцияда аҳоли ижтимоий таъминоти тизимининг энг асосий етти йўналиши белгилаб берилган. Булар: тиббий хизмат, ишсизлик нафақалари, қариллик пенсиялари, ишлаб чиқариш жараёнида олинган жароҳатлар бўйича нафақалар, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар, касаллик нафақалари, оилавий нафақалар. Шу билан бирга, ижтимоий таъминот тизими қотиб қолган ақида эмас. Давлатнинг ижтимоий соҳадаги сиёсатининг устувор йўналишларининг ўзгариши, ўз-ўзидан ижтимоий таъминот тизими таркибига кирувчи чора-тадбирлар таркибининг ўзгартирилиши, такомиллашини тақозо этади. Мустақил Ўзбекистон давлатининг ижтимоий таъминот соҳасидаги сиёсати «Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг умумжаҳон декларацияси», «Инсон ва фуқаронинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро пакт» ҳамда «Бола ҳуқуқлари ҳақидаги конвенция»ларда кўзда тутилган халқаро меъёрларга мос равишда амалга оширилади. Ушбу ҳужжатларда жумладан, жамиятнинг ҳар бир аъзоси давлат тузилиши ва ре-

сурслари миқдоридан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий таъминот, инсон қадриятлари ҳамда шахс эркинлиги, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда камол топишини таъминланиши ҳуқуқига эга эканлиги эътироф этилган. Ҳар бир инсон, ўзи ва оила аъзоларининг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромад манбаларидан ноихтиёрий равишда маҳрум бўлганида жамият томонидан моддий таъминланиш ва ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Аҳолининг ижтимоий таъминоти борасида юқорида баён қилинган халқаро тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас» эканлиги эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш даврида аҳолини, айниқса унинг ночор гуруҳларини аниқ манзилли ва мақсадли ижтимоий таъминлаш тизими барпо этилди. Пенсия ва ижтимоий нафақалар тушунчаларига аниқлик киритилиб, пенсия меҳнат стажига кўра қўлга киритилган ҳуқуқ, ижтимоий нафақа эса муҳтожларга давлат томонидан кўрсатиладиган таъминот тизими деб белгилаб қўйилди. Ижтимоий таъминотнинг яна бир муҳим бўғини бўлиб аҳолининг айрим гуруҳ ва қатламларига бериладиган имтиёзлар тизимидир. Улар тўловлар, солиқлар ва бошқа турдаги молиявий мажбуриятлардан тўлиқ ёки қисман озод этиш орқали амалга оширилади. Ҳозирда Ўзбекистондаги пенсионерлар ва ногиронларга 18 турдаги имтиёзлар – шифокор рецептига асосан бепул дори-дармон олиш, протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланиш, ногиронлар аравачала-

ри олиш, автомашина бензини учун товон пули олиш, мол-мулк, ер солиғидан қисман озод этиш имтиёзлари, бола парвариши бўйича нафақа, кам таъминланган оилаларга вақтинчалик моддий ёрдам кўрсатиш пуллари, 14 ёшгача фарзандлари бўлган иқтисодий жиҳатдан ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга нафақа пуллари бериш, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш бўйича имтиёзли кредитлар бериш, аёлларга 54 ёшдан пенсияга чиқиш имтиёзи, 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга ҳафтасига 35 соат ишлаш имтиёзи (бюджет ташкилотларида) ва шу каби бошқа имтиёзлар берилган.

Ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий востаси бўлиб пенсия таъминоти тизими хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил учун белгиланган давлат бюджети параметрларида давлат бюджети маблағлари жами 36,2 триллион сўмни ташкил этгани ҳолда бюджетдан ташқари пенсия фондининг миқдори 16,6 триллион сўмни ташкил қилади. Қиёслаш учун: қолган яна 8 та бюджетдан ташқари фондлар суммаларини умумий ҳажми 7,1 триллион сўмни ташкил этади. Ҳозирда молия вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси орқали Ўзбекистоннинг 3 миллионга яқин аҳолиси пенсия, нафақа, компенсация тўловлари кўринишидаги молиявий маблағлар билан таъминландилар. Бу аҳоли умумий сонинг деярли 10 фоизи демакдир. Бу соҳада 3 мингга яқин хизматчи меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда жамғарма ижобий молиявий натижаларга эга бўлиб, республикамиздаги пенсионер ва нафақахўрларга молиявий маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмларда етказиб берилиши таъминланмоқда. Аммо, дунё миқёсида охириги йилларда рўй бераётган демографик ҳамда иқтисодий ўзгаришлар дунёнинг деярли барча мамлакатлардаги миллий пенсия тизимлари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ўта мурраккаб ва ташвишли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳозирда бизнинг республика бу ташвишли муаммолардан бироз йироқда. Лекин, демографлар ва иқтисодчи олимлар-

нинг фикрича яқин келажакда биз ҳам дунё мамлакатлари каби ушбу муаммоларга дуч келаемиз. Шу сабабдан ҳам, пенсия таъминоти тизимида ҳозирги кунда дунё мамлакатларида вужудга келган муаммоларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз лозим.

Ҳозирда миллий ижтимоий ҳимоя ҳамда ижтимоий суғурта тизимларига эга бўлган дунёдаги барча давлатларда пенсия тизимини ислоҳ қилиш жараёни амалга оширилмоқда. Бунга аҳолининг ўртача умр кўриш даврининг узайиши, демографик структурада меҳнат қилишга лаёқатли ёшдаги инсонлар сонининг нисбатан камайиб, қарияларнинг сони эса ўсиб бориши, ижтимоий стандартлар ва ҳаёт кечириш даражасининг узлуксиз ўсиб бориши сабаб бўлмоқда. Аммо пенсия тизимини ислоҳ қилишга бўлган сабаблар барча мамлакатларда бир хил бўлгани ҳолда, уларнинг ҳаммасида ўзига хос, бир-бирига ўхшамайдиган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Чунки ҳар бир давлатдаги пенсия тизими таркиб жиҳатидан ҳам, маблағлар ҳажми жиҳатидан ҳам, уларнинг йиғилиши ва сарфланиши механизми бўйича ҳам алоҳида хусусиятларга эгадирлар. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос ижобий ва салбий тажриба йиғилган.

Пенсия таъминоти тизимини ўрганиш борасида дунёдаги бир қатор иқтисодчи ва социолог олимлар иш олиб борганлар ва ўзига яраша назарий асосларни яратганлар. Бизни фикримизча ушбу илмий изланишларнинг деярли барчасида масалага комплекс ёндашувнинг йўқлиги, муаммоларни фақат айрим, ўзлари учун муҳим бўлган томонларинигина ўрганиб, бошқалари изланиш доирасидан ташқарида қолганлигини қайд этиш керак. Бошқа сўз билан айтганда, пенсия таъминоти бўйича назарий асосларнинг ҳалигача бунёд этилмагани, илмий изланишларда бир томонлама ёндашувларга ва уларнинг ҳосиласи ўлароқ турли йўналишдаги, баъзида эса бир-бирига зид бўлган илмий хулосалар берилишига сабаб бўлмоқда.

Пенсия таъминоти назариясининг энг биринчи масаласи бу муносабатларни қайси турдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар туркумига мансуб эканлигидир. Ҳозирда ушбу соҳада изланишлар олиб бораётган олимларнинг аксарияти пенсия таъминоти тизимида икки турдаги молиявий механизм қўлланилиши: тақсимот ва жамғариш механизмлари ҳақида фикр-мулоҳаза бериш билан чекланадилар. Аслида, бизнинг назаримизда, бу муносабатлар доираси анча кенг ва бир-биридан кескин фарқ қилади.

Фикримизча, пенсия муносабатларини назарий жиҳатдан тўрт гуруҳга ажратиш лозим:

1. Тақсимот муносабатларига асосланган – бюджетдан молиялаштирилувчи пенсия тизими.

2. Алоҳида мақсадли солиқлар ҳисобидан молиялаштирилувчи пенсия тизими.

3. Суғурта муносабатларига асосланган – махсус суғурта фондлари маблағларидан молиялаштирилувчи пенсия тизими.

4. Молиявий маблағларни жамғариш муносабатларига асосланган пенсия тизими.

Ушбу пенсия тизимлари ўз маъно-моҳиятига кўра, мақсади ва функцияларига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бюджетдан молиялаштирилувчи пенсия тизими бошқаларига нисбатан тарихан энг биринчи ташкил этилган тизимдир. Қадимги Рим империяси давридаёқ хизмат ёшидан ўтган ҳарбийлар ёки давлат арбоблари император томонидан тайинланган махсус ёрлиқ асосида пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Бундай амалиёт феодализм даврида ҳам, сўнгра капитализмнинг бошланғич даврида ҳам сақланиб қолган. Жумладан, буюк давлат раҳбари, соҳибқирон Амир Темур давлатчилигида ҳам бу каби амалиёт кенг қўлланилган ва ёшларга давлат ва юрт ободлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш самараси сифатида, ибрат тариқасида тарғибот қилинган.

Алоҳида мақсадли солиқлар ҳисобидан молиялаштирилувчи пенсия тизими маъно-моҳиятига кўра бюджетдан молиялаштирилувчи пенсия тизимига ўхшаса ҳам, аммо

кескин фарқ қилади. Агар бюджетдан молиялаштирилувчи пенсия тизими пенсия ёшига етган барча фуқароларни пенсия билан таъминлашни назарда тутса, алоҳида мақсадли солиқлар ҳисобидан молиялаштирилувчи пенсия тизими эса пенсияни ушбу солиқларни маълум бир вақт мобайнида ва маълум миқдорларда тўлаган фуқароларгагина тўлашни назарда тутди. Ишламаслик оқибатида ушбу солиқни тўламаган фуқаро пенсия олиш имконидан маҳрум бўлади. Бу турдаги пенсия тизими 20-аср бошида аввал Буюк Британияда, сўнгра эса бошқа бир қанча мамлакатларда қўлланилди.

Суғурта муносабатларига асосланган махсус суғурта фондлари маблағларидан молиялаштирилувчи пенсия тизими 19-асрнинг 80-йилларидан бошлаб аввал Германия империясида, сўнгра дунёнинг деярли барча мамлакатларида қўлланила бошланди. Ижтимоий суғуртага асосланган пенсия тизими суғурта бадалларини ундириш, маблағларни махсус фондларда жамлаш ва суғурта ҳолати рўй берган тақдирдагина улардан белгиланган тартибда ва ҳажмларда пенсия тўлови сифатида фойдаланишни назарда тутди. Агар биз таҳлил қилаётган аввалги икки тизимда пенсия тўловларининг миқдори барча учун деярли бир ҳил ҳажмда белгиланган бўлса, суғурта тизимида пенсия тўлови ҳажми суғурта бадалларининг миқдоридан ҳамда уларни тўлаш даврининг узунлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Ша сабабли пенсия суғуртаси тизимида маблағларнинг ўз эгаларига қайтарилиши принципи қисман бўлсада амалга оширилди. Бу тизимнинг яна бир ўзига хос жиҳати пенсия фонди маблағларини ташкил этишда нафақат суғурталанувчи шахс маблағлари ҳамда давлат бюджети маблағларидан фойдаланилади, бу жараёнда иш берувчилар ҳам тўлиқ иштирок этиб, улар томонидан тўланаётган суғурта бадалларининг миқдори айрим ҳолларда суғурталанувчи томонидан тўланувчи бадал миқдоридан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Масалан, ҳозирда Ўзбекистон Республикасида амалда

бўлган меёрларга кўра суғурталанувчи томонидан тўланувчи бадал ставкаси иш ҳақи ҳажмининг 7 фоизини ташкил этгани ҳолда, иш берувчилардан ундирилувчи суғурта бадали ставкаси иш ҳақи фондининг 24,8 фоизини ташкил этмоқда.

Молиявий маблағларни жамғариш муносабатларига асосланган пенсия тизими бошқаларига нисбатан анча кеч ташкил этилган бўлиб, бунда маблағларни ўз эгаларига ҳажм жиҳатдан кўпайган ҳолда тўлиқ етказиб беришга асосланган. Шу сабабдан ҳам ушбу пенсия тизими аввалгилардан фарқли равишда, молиявий тақсимот муносабатларидан кўра банк депозити муносабатларига мантқан яқинроқ турувчи тизимдир. Ҳар бир фуқаро учун очилган махсус ҳисоб рақамидаги маблағ йиллар

давомида йиғилиб, улардан инвестиция воситаси сифатида фойдаланилиши эвазига ҳажм жиҳатидан ортган миқдорда, пенсия ёшига етганлик ҳолатида ўз эгаларига қайтарилади. Маблағларнинг бошқалар иштирокида бирдамлик принциплари асосида қайта тақсимланишига йўл қўйилмайди. Бу тизим бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ мос келиши билан ижтимоий адолат принципларига асосланган аввалги уч пенсия тизимидан фарқ қилади.

Келгусида миллий пенсия тизимини ислох этиш жараёнида пенсия муносабатларининг назарий асосларига эътибор бериб, жаҳон тажрибасидан оқилона фойдаланилган ҳолда ўзимизга хос бўлган пенсия тизими моделини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам – Т.: «Ўзбекистон», 2011. –140-б.
2. Обеспечение долгосрочной устойчивости пенсионной системы в Узбекистане. Development Focus. / Выпуск № 8 (2014). The Center for Economic Research is jointly supported by the United Nations Development Programme (UNDP) and the Government of Uzbekistan.
3. Уровень безработицы в ЕС 27 и Евразоне. // «Международная экономика»: Москва, 2013, № 6. –С. 71-74.
4. Хинц Р., Звинине А.Я., Билецки С., Богомоллова Т. Государственные пенсионные системы. Модели тестирования стресса обязательных пенсионных систем в странах со средним уровнем дохода и в развивающихся странах. Доклад для обсуждения по социальной защите. Всемирный банк. 2009 год сентябрь.
5. Бирлашган Миллатлар ташкилоти Ижтимоий ахборот департаментининг маълумотлари: //: [http:// www.un.org](http://www.un.org).